

УДК: 657.1

Худайназарова Дилноза Гафуровна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
мустақил тадқиқотчиси

ФАРМАЦЕВТИКА КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ХАРАЖАТЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, харажатлар бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари очиб берилган. Фармацевтика корхоналарида харажатлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг илмий-назарий масалалари ёритилган бўлиб, унда хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий фикр ва ёндашувлари тадқиқ этилган ҳолда хулоса ва таклифлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, фармацевтика корхоналарида бизнес жараёнлари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги модели ишлаб чиқилган ва бизнес жараёнларига оид таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларининг харажатлар таркиби белгилаб олинган.

Калит сўзлар: фармацевтика фаолияти, фармацевтика корхоналари, бухгалтерия ҳисоби, бизнес жараёнлари, таъминот жараёни, ишлаб чиқариш жараёни, сотиш жараёни, асосий фаолият бухгалтерия ҳисоби, харажатлар бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

ОРГАНИЗАЦИЯ УЧЕТА ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ПРОЦЕССА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА ЗАТРАТ НА ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Худайназарова Дилноза Гафуровна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. В статье раскрываются особенности организации учета производственных процессов на фармацевтических предприятиях, основные направления совершенствования учета затрат. Освещены научно-теоретические вопросы организации и ведения учета затрат на фармацевтических предприятиях, разработаны выводы и предложения на основе изучения научных идей и подходов зарубежных и отечественных экономистов. Разработана новая модель учета бизнес-процессов на фармацевтических предприятиях, определена структура затрат процессов снабжения, производства и реализации, связанных с бизнес-процессами.

Ключевые слова: фармацевтическая деятельность, фармацевтические предприятия, бухгалтерский учет, бизнес-процессы, процесс снабжения, процесс производства, процесс продаж, учет основной деятельности, учет затрат, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности.

ORGANIZING ACCOUNTING OF THE PRODUCTION PROCESS AND IMPROVING COST ACCOUNTING AT PHARMACEUTICAL ENTERPRISES

Abstract. The article reveals the specific features of organizing accounting for production processes at pharmaceutical enterprises, the main directions of improving cost accounting. The

scientific and theoretical issues of organizing and conducting cost accounting at pharmaceutical enterprises are covered, and conclusions and proposals are developed based on the study of scientific ideas and approaches of foreign and domestic economists. Also, a new model of accounting for business processes at pharmaceutical enterprises is developed and the cost structure of supply, production and sales processes related to business processes is determined.

Keywords: pharmaceutical activities, pharmaceutical enterprises, accounting, business processes, supply process, production process, sales process, main activity accounting, cost accounting, financial reporting, international standards of financial reporting.

Кириш. Фармацевтика фаолиятини ривожлантиришга қаратилган яна бир муҳим меъёрий ҳужжат бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹ги Фармони ҳисобланади. Мазкур меъёрий ҳужжат 2025 йил 19 августда қабул қилинган бўлиб, унда белгиланган асосий вазифалар бу мамлакатда халқаро стандартлар даражасида тан олинadиган сифатли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини техник томондан халқаро андозаларга мувофиқлаштириш, фармацевтика корхоналари маҳсулотлари муомаласини тўғри йўлга қўйиш ва улар тартибини такомиллаштириш, жумладан фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари, лицензия олиш тартиблари, тадқиқот ишларини ўтказиш тартиб-қоидалари, соҳа бўйича янги ўқув курсларини ташкил этиш бўлиб ҳисобланади. Соҳа олдидаги бу каби долзарб вазифалар бугунги кунда мамлакатда фаолият кўрсатаётган фармацевтика корхоналари олдида муайян ва аниқ вазифаларни кўндаланг қўяди. Зотан, фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ҳар томонлама тўғри ташкил этиш, уларда ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотларининг сифатини халқаро стандартлард белгиланган нормаларга мослаштириш, ҳукуматнинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаровон турмуш тарзини шакллантиришга ёрдам бериш борасидаги ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда фармацевтика маҳсулотлари нархини оптималлаштириш, бунда корхонада ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатларини тўғри бошқариш орқали фармацевтика маҳсулотлари таннархини пасайтиришга эришиш ҳамда корхона харажатлари бухгалтерия ҳисобини аниқ ташкил этиш ва юритиш, қолаверса, корхонанинг келгуси фаолиятларини янада ривожлантириш учун энг асосий омиллардан ҳисобланадиган уларнинг даромад ва фойда кўрсаткичларини ошириш, ушбу кўрсаткичларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш, бошқарув ходимларининг бу борадаги ахборотларни олишлари ва стратегик муҳим қарорлар қабул қилишлари учун ҳисобот шакллариини ишлаб чиқиш, хорижий инвесторларнинг ишончини оқлайдиган ва келгусида янада кўпроқ инвестицияларни жалб қилинишига сабаб бўладиган халқаро стандартларга мос келадиган молиявий ҳисобот шаклларига иловаларни ишлаб чиқиш ва шу каби бошқа бошқа вазифалар бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Айнан, ушбу жиҳатлар фармацевтика корхоналари фаолиятлари, жумладан мазкур тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича харажатлари бухгалтерия ҳисобини тадқиқ этишни ўз олдимишга мақсад қилиб белгилаб олишимизга туртки бўлди.

Адабиётлар шарҳи. Хорижий иқтисодий адабиётларда “Фармацевтика саноати дунёдаги энг мураккаб ва қаттиқ тартибга солинадиган тармоқлардан биридир. Бухгалтерия ҳисоби фақат рақамлардан иборат эмас; бу мувофиқлик, илмий-тадқиқот харажатлари ва саноат билан бирга келадиган мураккаб таъминот занжирларини бошқариш”², деб келтирилган ушбу таърифдан англаб олиш мумкинки, бугунги кунда хорижий мамлакатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2025 йил 19 август. ПФ-137-сон.

² <https://fastlane-global.com/hk/industry/accounting-for-the-pharmaceutical-industry/#the-pharmaceutical-industry>

иктисодиётида фармацевтика тармоқларининг аҳамиятини ҳамда фармацевтика корхоналари олдида турган улкан масъулиятли вазифаларни белгилаб беради.

Халқаро ҳисоб таълимотида фармацевтика корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг муҳим жиҳати шундаки, унда харажатлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, бутунги ҳисоб олдидаги долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Халқаро манбаларда таъкидланишича, “Фармацевтика корхоналари бухгалтерия ҳисоби олдидаги асосий муаммолардан бири илмий-тадқиқот ишларига сарфланадиган харажатлар масаласидир. Ушбу корхоналар инновацион дори воситаларини кашф этиш ва ишлаб чиқиш жараёнига катта миқдорда маблағ ажратмоқда. GAAP талабига кўра, илмий-тадқиқот харажатларини тўғри идентификация қилиш ва таснифлаш молиявий маълумотни шаффоф тарзда тақдим этиш жуда муҳимдир. Ушбу шаффофлик манфаатдор томонларга ишонч бағишлайди, чунки у тадқиқот ва ишланмаларга қанчалик кўп сарфланганлиги ҳақидаги ҳақиқий ахборотни очиқ беради”¹. Халқаро таълимотда келтирилган бундай долзарб масалалар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарга ҳам тегишли бўлиб, ушбу тармоқ корхоналари бухгалтерия ҳисоби олдидаги муҳим вазифаларни четлаб ўтмайди. Зотан, мамлакатимизда ташқи инвесторларни жалб қилишнинг энг асосий омилларидан бири бу бухгалтерия ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритиш ва ҳисоботларни халқаро тажрибаларга мувофиқ шакллантириш орқали уларнинг ахборот қамровини янада кенгайтириш, инвесторлар ишончларини оқлайдиган кўрсаткичларни ёритиш бўлиб ҳисобланади. Табиийки, ушбу жараёнлар корхоналарнинг харажатларини тўғри тақсимлашга, маҳсулотлар таннархини реал аниқлашга ва бу орқали корхона фойдасини ҳақиқий қийматини топишга хизмат қилади.

Хорижий компанияларда, хусусан “Фармацевтика соҳасида инвентаризацияни бошқариш жуда муҳим, чунки унинг маҳсулотлари ўзига хос хусусиятларга эга, бу эса улар учун инвентаризацияни баҳолашнинг махсус ёндашувларини амалга оширишни талаб қилади”², деб таъкидланади. Демак, фармацевтика корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг яна бир долзарб жиҳати шундаки, унда товар-моддий захираларини баҳолаш ва уларни инвентаризация қилиш жараёнлари ҳисобланади. Чунки, ушбу соҳа корхоналарида товар-моддий захиралари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг яроқлилиқ муддатини ҳамда маҳсулотларни сақлаб туриш жараёнларини алоҳида ҳисобга олиш ва назорат қилиш лозим бўлади. Шу боис, фармацевтика корхоналарида товар-моддий захираларини тўғри баҳолаш, бунда муқобил баҳолаш усулларини танлаш, шунингдек товар-моддий захираларини инвентаризация қилиш жараёнларини халқаро талабларга мувофиқ ҳолда ташкил этиш ҳамда ушбу жараёнлар натижаларини ҳисоб ва ҳисоботларда ёритиш масалалари муҳим ҳисобланади. Ушбу масалаларнинг фармацевтика корхоналарида тўғри ҳал этилиши ҳисоботларда корхона активларининг ҳаққоний қийматларда ёритилишини таъминлайди.

Шунингдек, бошқа адабиётларда турли тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва уларни бухгалтерия ҳисобида қайд этишга доир турли хил ёндашувлар келтирилган. Булар жумласига ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини тадқиқ этган Б.Ф.Бороновнинг илмий-изланишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Олимнинг фикрича, “ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари ўта мураккаб жараёнлардан бири бўлиб, ушбу жараёнларни ички ва ташқи ахборот фойдаланувчилар учун ҳисоб ва ҳисоботда шаффоф акс эттириш бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади”³. Шу боис, ушбу тадқиқот ишида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини тўртта босқичга ажратиш таклиф этилган. Улар бирламчи ишлов

¹ <https://uk.meruaccounting.com/accounting-for-pharmaceutical-companies/>

² <https://uk.meruaccounting.com/accounting-for-pharmaceutical-companies/>

³ Боронов Б.Ф. Ёғ-мой саноати маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш босқичлари таснифи. // Иктисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2022. - № 5. 247-253-бетлар.

бериш, тозалаш, ҳидсизлантириш ва қадоқлаш босқичлари ҳисобланиб, бухгалтерия ҳисобида ушбу босқичларда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар турлича тан олинади, деган хулосага келинган.

Ш.Шодмонов томонидан бажарилган ишда “ишлаб чиқариш – кишилиқ жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни яратиш жараёни. Барча товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида яратилиши сабабли, у такрор ишлаб чиқаришнинг энг асосий ва бошланғич фазаси ҳисобланади”¹ деб келтирилган бўлиб, корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишнинг муҳимлигини кўрсатиб беради.

Яна бошқа адабиётларда қуйидаги таърифларни учратиш мумкин: “Ишлаб чиқариш муносабатлари – кенг маънода ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида бажарадиган вазифаларига боғлиқ ҳолда шаклланадиган муносабатлар”².

“Ишлаб чиқариш, моддий ишлаб чиқариш – жамиятнинг яшаши ва тараққий этиши учун зарур бўлган моддий бойликларни яратиш жараёни, уларнинг омилларини истеъмол ва инвестициялар учун мўлжалланган товарлар ва хизматларга айлантириш”³.

Юқорида тадқиқ этилган адабиётлар корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, хусусан фармацевтика корхоналарида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини ҳар бир босқичларда ташкил этиш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш, ушбу жараёнларнинг ҳар бирида амалга оширилган харажатларни алоҳида ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттиришнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур тадқиқот ишимизда фармацевтика корхоналарида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича харажатларнинг ҳар бир таркибий қисми бўйича алоҳида тадқиқ этишни долзарб қилиб қўяди.

Тадқиқот методологияси.

Фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва харажатлар бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мазкур илмий-тадқиқот ишимизда фармацевтика тармоғида фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзига хос фаолиятлари, жумладан таъминот, ишлаб чиқариш, маҳсулотларни реализация қилиш ва уларнинг оралиғида бўлган бошқа барча жараёнларни аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Хусусан, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятлари жараёнлари тадқиқ этилди ва қуйидаги расм кўринишида ифодаланди:

¹ Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. 2009, -579 б.

² <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-munosabatlari-uz/>

³ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-uz/>



1-расм. Фармацевтика корхоналарида бизнес жараёнлари босқичлари¹

Фармацевтика корхоналари фаолиятининг бундай ўзига хос жараёнлари ушбу тармоқ корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда, жумладан ҳар бир босқичда харажатларни алоҳида ҳисобга олишда ҳамда корхоналарда ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотлари таннархини ҳисоб-китоб қилишда муҳим ёндашувларни талаб қилади. Ушбу муҳим жиҳатларни инobatга олган ҳолда, фармацевтика корхоналарида рўй берадиган асосий фаолият бўйича жараёнларнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ тушуниш мақсадида ҳар бир жараённинг тавсифини қуйидаги жадвал орқали очиб беришга ҳаракат қилдик:

1-жадвал.

Фармацевтика корхоналарида асосий фаолиятга оид жараёнлар тавсифи²

Жараёнлар рақами	Жараёнлар номи	Жараёнлар тавсифи
1-жараён	Хом ашё ва материалларни харид қилиш жараёни	Ушбу жараёнда фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материалларнинг таъминочилардан харид қилиниши тушунилади. Ушбу жараёнлар бўйича харажатлар таркиби материалларнинг қайси ҳудуддан кириб келаётганлигига қараб икки гуруҳга таснифланади: маҳаллий хом ашё ва материаллар ҳамда импорт хом ашё ва материаллар.
2-жараён	Хом ашё ва материалларни асосий омборга етказиш жараёни	Фармацевтика корхоналари томонидан харид қилинган хом ашё ва материаллар уларнинг корхона асосий омборига кирим қилинишигача бўлган, яъни хом ашё ва материалларни ташиш, тушириш каби жараёнлар тушунилади. Ушбу жараёнлар бўйича харажатлар таркиби ҳам худди юқорида келтирилган уларни харид қилиш жараёни каби икки гуруҳга таснифланади.
3-жараён	Хом ашё ва материалларни	Асосий омборда хом ашё ва материалларнинг яроқли ҳолда ҳамда давлат томонидан белгиланган стандартлар талаблари бўйича сақланиши

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.


² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

	асосий омборда сақлаш жараёни	фармацевтика корхоналарида муҳим жараёнлардан ҳисобланиб, мазкур жараёнлар маълум шароитларни талаб этади. Ушбу жараёнларга электро-энергия тўловлари, асосий воситаларнинг амортизацияси, автотранспорт воситаларининг ёқилғи харажатлари ва бошқа харажатлар киради.
4-жараён	Хом ашё ва материалларни лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни	Фармацевтика корхоналарида бошқа тармоқ корхоналарида мавжуд бўлмаган шундай харажатлар борки, ушбу харажатлар тармоқ корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Бунга лаборатория синовларидан ўтказиш жараёнига оид харажатларни мисол келтириш мумкин. Хом ашё ва материалларни лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни бўйича харажатларга бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган лаборатория синовлари хизматлари бўйича харажатлар, лаборатория ходимларига ҳисобланган иш ҳақи ва ижтимоий солиқ, лаборатория асосий воситалари амортизацияси, уларнинг моддий харажатлари ва коммунал тўловлари киради.
5-жараён	Ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёни	Фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, мазкур тармоқ корхоналарида асосий ишлаб чиқариш жараёнларини бошлашдан аввал ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёни амалга оширилади. Бундай жараёнларни амалга ошириш натижасида ёрдамчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бундай ёрдамчи маҳсулотларга фармацевтика маҳсулотларини қадоғига ёпиштириладиган илгаклар, преформалар, фармацевтика маҳсулотларини тайёрлаш учун ишлатиладиган сув, идишнинг ички ва ташқи қопқоғи, махсус клейлар каби ёрдамчи маҳсулотлар киради. Одатда, фармацевтика корхоналарида ёрдамчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш режасига мувофиқ 2-3 ойлик захира учун ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотларнинг таннархи бухгалтерия ҳисобида алоҳида ҳисобга олиниб, асосий ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархига қўшилади.
6-жараён	Асосий ишлаб чиқариш жараёни	Фармацевтика корхоналарида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари асосий ишлаб чиқариш жараёнлари туркумига киради. Бундай асосий ишлаб чиқариш жараёнлари натижасида бир қанча турдаги фармацевтика маҳсулотлари таркибига кирувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.
7-жараён	Оралиқ лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни	Фармацевтика корхоналарида лаборатория синовларидан ўтказиш жараёнининг иккинчи босқичи оралиқ лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни ҳисобланиб, ушбу жараёнларга оид

		харажатларга худди биринчи босқичда келтирилгани каби харажатлар амалга оширилади.
8-жараён	Фармацевтика маҳсулотларини қадоқлаш жараёни	Фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларининг охирги босқичи қадоқлаш цехида амалга оширилади. Фармацевтика маҳсулотлари қадоқлаш цехида махсус қадоқларга жойланади ҳамда уларни сотиш мақсадида тайёр маҳсулотлар омборига юборилади. Қадоқлаш цехи жараёнлари якунлангандан кейин фармацевтика маҳсулотлари бухгалтерия ҳисобида тайёр маҳсулот сифатида тан олинади ҳамда ушбу ишлаб чиқариш жараёнидан кейин амалга оширилган бошқа бевосита харажатлар фармацевтика маҳсулотлари таннархига қўшилмайди.
9-жараён	Фармацевтика маҳсулотларини сақлаш жараёни	Ишлаб чиқариш жараёни якунига етгандан кейин фармацевтика маҳсулотлари дарҳол сотиб юборилмайди, балки фармацевтика корхоналарида сотиш жараёнига тайёргарлик кўриш ишлари бошланади. Даставвал, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни асосий омборда сақлаш мақсадида уларни ташиш жараёни амалга оширилади. Агар, фармацевтика корхоналарида фармацевтика маҳсулотларини сақлаш учун асосий омбор мавжуд бўлмаса, бошқа корхоналар билан ижара шартномаси тузилган ҳолда бошқа жойда сақланади. Фармацевтика маҳсулотларининг сифати, уларни сақлаш муддатлари ва шароитлари доимий тарзда назорат остида бўлиши шарт.
10-жараён	Фармацевтика маҳсулотларини лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари якунига етгандан кейин лаборатория синовларидан ўтказиш жараёнининг учинчи босқичи амалга оширилади. Ушбу босқич лаборатория синовларидан ўтказиш жараёнининг охирги босқичи бўлиб, унда тайёр маҳсулотларнинг истеъмолга тўлиқ лойиқлиги ва уларни сотишга тўсиқ йўқлиги текширилади.
11-жараён	Сотиш ва сифат назорати билан боғлиқ назорат тадбирлари жараёни	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарорига мувофиқ, фармацевтика маҳсулотлари рақамли маркировкалаш мажбурий бўлган маҳсулотлар таркибига киритилганлиги боис, уларни сотишдан олдин фармацевтика корхоналарида рақамли маркировкалаш жараёнлари амалга оширилади. Ушбу жараёнларга назорат тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар киради.
12-жараён	Фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёни	Ишлаб чиқариш корхоналарининг барчасида бўлгани каби фармацевтика корхоналарида ҳам охирги босқич бу тайёр маҳсулотларни сотиш жараёни ҳисобланади. Тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда тиббиёт ташкилотлари ва бирлашмаларига ҳамда улгуржи ва чакана савдо корхоналарига реализация қилинади.

		Фармацевтика корхоналарида сотиш жараёнлари билан боғлиқ харажатлар таркиби турлича бўлиб, уларнинг ҳажми харажатлар таркибида салмоқли ҳиссани ташкил этади.
--	--	---

Жадвалда келтирилган асосий фаолият бўйича жараёнлар тавсифидан келиб чиқиб, мазкур тадқиқот ишида фармацевтика корхоналарида харажатлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритилишини оптималлаштириш мақсадида мазкур тармоқ субъектларида амалга ошириладиган харажатларни алоҳида босқичларга ажратишни лозим деб топдик. Тадқиқотлар натижасида қуйида келтирилган тавсияларни ишлаб чиқдик:



2-расм. Фармацевтика корхоналарида бизнес жараёнлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг “4P” (four process) модели¹

Фармацевтика корхоналарида асосий фаолият бўйича жараёнларни биз томонимиздан тавсия этилган босқичларга ажратган ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритиш ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг харажатларини тўғри бошқаришга, харажатлар устидан тўлиқ назорат ўрнатишга, асосий фаолият натижаларини ҳисоботларда аниқ акс эттириш орқали корхона бошқарувчиларининг молиявий-бошқарув фаолиятларини янада оптималлаштиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, фармацевтика корхоналарида асосий фаолиятга доир харажатларни аниқлаш бўйича биз томонимиздан қуйидаги формулалар ишлаб чиқилди:

$$ТБХ = ХМХХ + ХМЕХ + ХМСХ + ХМЛХ \quad (1)^2$$

Бунда, ТБХ – таъминот босқичи харажатлари; ХМХХ – хом ашё ва материалларни харид қилиш жараёни бўйича харажатлар; ХМЕХ – хом ашё ва материалларни асосий

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

омборга етказиш жараёни бўйича харажатлар; ХМСХ – хом ашё ва материалларни асосий омборда сақлаш жараёни бўйича харажатлар; ХМЛХ – хом ашё ва материалларни лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни бўйича харажатлар.

$$\text{ИБХ} = \text{ЁИХ} + \text{АИХ} + \text{ОЛХ} + \text{ФҚХ} \quad (2)^1$$

Бунда, ИБХ – ишлаб чиқариш босқичи харажатлари; ЁИХ – ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёни бўйича харажатлар; АИХ – асосий ишлаб чиқариш жараёни бўйича харажатлар; ОЛХ – оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни бўйича харажатлар; ФҚХ – фармацевтика маҳсулотларини қадоқлаш жараёни бўйича харажатлар.

$$\text{СБХ} = \text{ФСХ} + \text{ФЛХ} + \text{НТХ} + \text{ФРХ} \quad (3)^2$$

Бунда, СБХ – сотиш босқичи харажатлари; ФСХ – фармацевтика маҳсулотларини сақлаш жараёни бўйича харажатлар; ФЛХ – фармацевтика маҳсулотларини лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни бўйича харажатлар; НТХ – сотиш ва сифат назорати билан боғлиқ назорат тадбирлари жараёни бўйича харажатлар; ФРХ – фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёни бўйича харажатлар.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган мазкур формулалар фармацевтика корхоналарида асосий фаолият жараёнлари бўйича харажатларни тўғри аниқлашга, фармацевтика маҳсулотлари таннархини ҳисоб-китоб қилишга кўмаклашади деб ҳисоблаймиз.

Фармацевтика корхоналарида асосий фаолиятга доир харажатлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда уларнинг ҳисоб ва ҳисоботини юритишда юқорида биз томонимиздан ишлаб чиқилган босқичларни иноватга олиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Шу боис, мазкур илмий-тадқиқот ишимизда юқорида эришилган натижалар асосида ҳамда фармацевтика корхоналарида харажатлар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш мақсадида асосий фаолият босқичлари бўйича амалга ошириладиган харажатлар ҳамда уларнинг таркибий қисмларини белгилаб олдик:

2-жадвал.

Фармацевтика корхоналарида бизнес жараёнларига доир харажатлар бухгалтерия ҳисобини “4P” (four process) модели орқали ташкил этиш йўналишлари³

Жараён-лар	Харажатлар гуруҳи	Харажатлар таркиби
1. Таъминот босқичи харажатлари		
1-жараён	Хом ашё ва материалларни харид қилиш жараёни бўйича харажатлар	* хом ашё ва материалларнинг харид қиймати; * божхона хизматлари; * сертификатлаштириш хизматлари; * санитария назорати хизматлари; * брокерлик хизматлари.
2-жараён	Хом ашё ва материалларни асосий омборга етказиш жараёни бўйича харажатлар	* темирйўл орқали ташиш хизматлари; * авиа орқали ташиш хизматлари; * автотранспорт орқали ташиш хизматлари; * ёқилғи харажатлари; * транспорт воситалари амортизацияси; * асосий омбор ходимлари иш ҳақи; * асосий омбор ходимлари иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ;
3-жараён	Хом ашё ва материалларни асосий омборда сақлаш жараёни бўйича харажатлар	* моддий харажатлар; * асосий омбор амортизацияси; * электро-энергия тўловлари.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

³ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

4-жараён	Хом ашё ва материалларни лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни бўйича харажатлар	* бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилган лаборатория синовлари хизматлари; * лаборатория ходимлари иш ҳақи; * лаборатория ходимлари иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ; * моддий харажатлар; * лаборатория биноси амортизацияси; * лаборатория жиҳозлари амортизацияси; * электро-энергия тўловлари; * табиий газ тўловлари.
2. Ишлаб чиқариш босқичи харажатлари		
5-жараён	Ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёни бўйича харажатлар	* ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлими ходимлари иш ҳақи; * ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлими ходимлари иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ; * моддий харажатлар; * ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлими биноси амортизацияси; * ёрдамчи ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари амортизацияси; * электро-энергия тўловлари; * табиий газ тўловлари.
6-жараён	Асосий ишлаб чиқариш жараёни бўйича харажатлар	* асосий ишлаб чиқариш бўлими ходимлари иш ҳақи; * асосий ишлаб чиқариш бўлими ходимлари иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ; * моддий харажатлар; * асосий ишлаб чиқариш бўлими биноси амортизацияси; * асосий ишлаб чиқариш бўлими асбоб-ускуналари амортизацияси; * электро-энергия тўловлари; * табиий газ тўловлари.
7-жараён	Оралик лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни бўйича харажатлар	* лаборатория ходимлари иш ҳақи; * лаборатория ходимлари иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ; * моддий харажатлар; * лаборатория биноси амортизацияси; * лаборатория жиҳозлари амортизацияси; * электро-энергия тўловлари; * табиий газ тўловлари.
8-жараён	Фармацевтика маҳсулотларини қадоклаш жараёни бўйича харажатлар	* қадоклаш бўлими ходимлари иш ҳақи; * қадоклаш бўлими ходимлари иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ; * моддий харажатлар; * қадоклаш бўлими биноси амортизацияси; * қадоклаш бўлими асбоб-ускуналари амортизацияси; * электро-энергия тўловлари; * табиий газ тўловлари.
3. Сотиш босқичи харажатлари		
9-жараён	Фармацевтика маҳсулотларини сақлаш жараёни бўйича харажатлар	* ижара харажатлари; * ёқилғи; * тайёр маҳсулотлар омбори ходимлари иш ҳақи;

		* тайёр маҳсулотлар омбори ходимлари иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ; * моддий харажатлар; * тайёр маҳсулотлар омбори амортизацияси; * транспорт воситалари амортизацияси; * электро-энергия тўловлари.
10-жараён	Фармацевтика маҳсулотларини лаборатория синовларидан ўтказиш жараёни бўйича харажатлар	* лаборатория ходимлари иш ҳақи; * лаборатория ходимлари иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ; * моддий харажатлар; * лаборатория биноси амортизацияси; * лаборатория жиҳозлари амортизацияси; * электро-энергия тўловлари; * табиий газ тўловлари.
11-жараён	Сотиш ва сифат назорати билан боғлиқ назорат тадбирлари жараёни бўйича харажатлар	* рақамли маркировкалаш хизматларига маркировка штрих кодларининг сарфланиши; * рақамли маркировкалаш хизматлари билан боғлиқ иш ҳақи; * рақамли маркировкалаш хизматлари билан боғлиқ иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ; * рақамли маркировкалаш хизматлари билан боғлиқ моддий харажатлар; * рақамли маркировкалаш хизматлари билан боғлиқ амортизация харажатлари; * рақамли маркировкалаш хизматлари билан боғлиқ коммунал тўловлари; * рақамли маркировкалаш хизматлари билан боғлиқ бошқа харажатлар.
12-жараён	Фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёни бўйича харажатлар	* фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёнлари билан боғлиқ маркетинг харажатлари; * фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёнлари билан боғлиқ реклама харажатлари; * фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёнлари билан боғлиқ воситачилик хизматлари харажатлари; * фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёнлари билан боғлиқ ташиш хизматлари харажатлари; * фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёнлари билан боғлиқ иш ҳақи; * фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёнлари билан боғлиқ иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ; * фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёнлари билан боғлиқ амортизация харажатлари; * фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёнлари билан боғлиқ коммунал тўловлари; * фармацевтика маҳсулотларини сотиш жараёнлари билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу жадвал маълумотлари фармацевтика корхоналарида молиявий ва бошқарув бухгалтерия ҳисобини юритиш учун муҳим ҳисобланади.

Хулоса. Фармацевтика корхоналари асосий фаолиятга оид харажатлар бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий хулосаларга келинди ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Фармацевтика корхоналари томонидан амалга оширилган харажатлар таркибини таҳлил қилиш натижасида аниқ бўлдики, ушбу тармоқ корхоналарининг жами харажатлар таркибида асосий фаолият бўйича харажатлар ҳамда давр харажатлари таркибида сотиш харажатлари энг катта ҳиссани ташкил этади. Шу боис, мазкур тадқиқот ишида фармацевтика корхоналарида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳар бир босқичи бўйича харажатлар ҳисобини алоҳида юритиш, фармацевтика маҳсулотларининг таннархини тўғри бошқариш, шунингдек давр харажатларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида шаффоф акс эттиришга оид илмий-изланишлар олиб боришнинг зарурияти мавжуд, деган хулосага келинди.

2. Илмий-тадқиқот ишимизда фармацевтика корхоналарининг бизнес жараёнлари босқичлари ва уларнинг ҳар бирининг аркибий қисмлари бўйича бизнес жараёнларини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида фармацевтика корхоналарида бизнес жараёнлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг **“4P” (four process) модели** ишлаб чиқилди. Фармацевтика корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда тавсия этилган ушбу моделда бизнес жараёнларининг таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичларининг ҳар бири 4 та жараёндан ташкил топиши асосланди.

3. Фармацевтика корхоналарида бизнес жараёнларига доир харажатлар бухгалтерия ҳисобини **“4P” (four process) модели** орқали ташкил этиш йўналишлари ишлаб чиқилди. Бунда, таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичларининг ҳар бири бўйича амалга ошириладиган харажатлар таркиби 12 та жараён бўйича белгилаб олинди. Фармацевтика корхоналари ишлаб чиқариш харажатларини биз томонимиздан тавсия этилган босқичларга ажратиш орқали уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш асосий фаолиятига доир харажатлар ҳисобини тўғри юритишга, фармацевтика маҳсулотлари таннархини ҳисоб-китоб қилишнинг аниқлигини оширишга, ахборотларнинг ишончлилигини таъминлашга ҳамда уларни бошқарув ҳисоботларида реал акс эттиришга хизмат қилади. Бунинг натижасида харажатларга доир тизимли ахборотларни шакллантириш орқали бошқарув қарорлари самдорлигини ошириш ҳамда ички назоратни кучайтиришга эришилади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2025 йил 19 август. ПФ-137-сон.
2. Боронов Б.Ф. Ёғ-мой саноати маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш босқичлари таснифи. // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2022. - № 5. 247-253-бетлар.
3. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. 2009, -579 б.
4. Boronov, B. (2019). THEORETICAL AND CONCEPTUAL BASES OF ACCOUNTING FINANCIAL ASSETS. *International Finance and Accounting*, 2019(4), 6.
5. <https://fastlane-global.com/hk/industry/accounting-for-the-pharmaceutical-industry/#the-pharmaceutical-industry>
6. <https://uk.meruaccounting.com/accounting-for-pharmaceutical-companies/>
7. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-uz/>
8. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-munosabatlari-uz/>